ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй
Тел.: (998 71) 233-39-38, факс: (998 71) 233-48-44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

100047, город Ташкент, улица Сайилгох, 5
Тел.: (998 71) 233-39-38, факс: (998 71) 233-48-44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

**2016 йил 15 июль**
**8/10-582/4-сон**

**"YUNUSOBOD DEHQON BOZORI"**
aksiyadorlik jamiyati
(993)

**"YUNUSOBOD DEHQON BOZORI"** aksiyadorlik jamiyatining уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар 2016 йил 15 июлда давлат рўйхатидан ўтказилди.

Илова: 9 варақда.

**Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бошлиғи** **М.Махмудов**

Ижрочи: М.[illegible]
Тел: 233-73-07

15.07.16

**"Тасдиқланган"**
«Yunusobod dehqon bozori» aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг
2016 йил 16 июндаги навбатдаги
умумий йиғилиши баёни билан

Н. М. Темиров

«Yunusobod dehqon bozori»
aksiyadorlik jamiyati уставига киритилган ўзгартиришлар

| ЭСКИ ТАХРИРДА | ЯНГИ ТАХРИРДА |
|---|---|
| **Жамият Уставининг «Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили, юридик мақоми» 2-бўлими** | |
| **2.1.** Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:<br>давлат тилида лотин алифбосида:<br>- тўлиқ: «Yunusobod dehqon bozori» aksiyadorlik jamiyati;<br>- қисқартирилган- «Yunusobod dehqon bozori» AJ;<br>Давлат тилида кирилл алифбосида:<br>- тўлиқ: «Yunusobod dehqon bozori» Акциядорлик жамияти;<br>- қисқартирилган- «Yunusobod dehqon bozori» АЖ;<br>- рус тилида:<br>тўлиқ- Акционерное общество «Yunusobod dehqon bozori»;<br>қисқартирилган- АО «Yunusobod dehqon bozori»<br>Жамият ўз фирмаси номидан фойдаланиш мутлақ ҳуқуқига эгадир.<br>**2.2.** Жамиятнинг жойлашган ери ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100194, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Мавзе-3.<br>Электрон почта манзили:yunusoboddehqon@yahoo.com.<br>Жамият ўзининг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт. | **2.1.** Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:<br>-ўзбек тилида: «Yunusobod dehqon bozori» aksiyadorlik jamiyati;<br>- рус тилида:акционерное общество «Yunusobod dehqon bozori »;<br>-Инглиз тилида: - Joint-stock company «Yunusobod dehqon bozori »<br>Қисқартирилган номи:<br>- ўзбек тилида: «Yunusobod dehqon bozori» AJ;<br>- рус тилида: АО «Yunusobod dehqon bozori »;<br>-Инглиз тилида: - JSC «Yunusobod dehqon bozori»<br>**2.2.** Жойлашган манзили: индекс Ўзбекистон Республикаси, 100194, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Мавзе-3.<br>**2.3.** Электрон почта манзили: info@ yunusobod-bozori.uz<br>**2.4.** Жамиятнинг расмий корпоратив веб сайти: www. yunusobod-bozori.uz |
| **Жамият Уставининг «Устав фонди» 4-бўлими** | |
| 4.3. Жамиятнинг устав фонди:<br>Акцияларнинг номинал қийматини | 4.3. Жамиятнинг устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан |

| | |
|---|---|
| оширищ ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин;<br>Акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.<br>4.4. Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.<br>Жамиятни акциядорларнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган акциянинг номинал қийматини ошириш ҳақидаги қарор Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.<br>4.5. Жамиятнинг Устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат Жамиятнинг ўз капитали ҳисобидан амалга оширилади.<br>4.6. Жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорлар Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.<br>Жамиятни Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги ҳақидаги қарор Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.<br>4.7. Жамиятнинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин. | кўпайтирилиши мумкин.<br>4.4. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.<br><br>15.07.16й |
| **Жамият уставининг «ДАРОМАДИ (ФОЙДА)НИ ТАКСИМЛАШ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА ЗАРАРНИ КОПЛАШ» 7-бўлими** | |
| **Киритилсин.** | 7.17. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади. |

| Жамият Уставининг «АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ» 9-бўлими | |
| --- | --- |
| 9.1.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:<br>Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, Жамият Уставига Жамиятнинг Устав фондини акцияларининг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;<br>Жамиятни қайта ташкил этиш;<br>Жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш balансларини тасдиқлаш;<br>Жамият Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;<br>эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;<br>Жамият устав фондини камайтириш;<br>ўз акцияларини олиш;<br>Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;<br>Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;<br>Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиш тўғрисидаги, Кузатув кенгаши, Директори ва Тафтиш комиссияси тўғрисидаги уларнинг фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек Жамиятнинг мазкур органлари томонидан қабул қилиш тартиб-таомилини белгиловчи низомларини тасдиқлаш;<br>Жамиятнинг йиллик ҳисоботини;<br>Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;<br>Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;<br>имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Қонунда ва мазкур Уставда | 9.1.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:<br>жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;<br>жамиятни қайта ташкил этиш;<br>жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;<br>жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;<br>эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;<br>жамиятнинг устав фондини кўпайтириш;<br>жамиятнинг устав фондини камайтириш;<br>ўз акцияларини олиш;<br>жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;<br>жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;<br>жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш<br>жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;<br>жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;<br>акцияларни ва акцияларга |

15.07.16й.

назарда тутилган карорни кабул килиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиклаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

Қонунда назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида карор кабул килиш;

конун ҳужжатларига мувофик бошка масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Директори ҳал килиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал килиши учун берилиши мумкин эмас.

9.1.7. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича Жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш ҳуқукига эга.

9.1.8. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йиғилишининг карори, агар Қонунда бошкача коида белгиланмаган бўлса, Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан кабул килинади.

9.1.9. Қуйидаги масалалар бўйича:

Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиклаш, Жамият Уставига Жамиятнинг Устав фондини акцияларнинг номинал киймати оширишйўли билан кўпайтириш билан боғлик ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

Жамиятни кайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиклаш;

эълон килинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;

Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошкаришга доир конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва

айирбошланадиган эмиссиявий кимматли коғозларини конун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда сотиб олишда акциядорларнинг имтиёзли ҳукукини қўлламаслик тўғрисида карор кабул килиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиклаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳак ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юкори микдорларини белгилаш;

конун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисида карор кабул килиш;

конун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузиладиган битимлар бўйича карор кабул килиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши конун ҳужжатларига, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдикланган "Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида"ги низомга мувофик бошка масалаларни ҳал этиши мумкин.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал килиши учун берилиши мумкин эмас.

**9.1.7.** Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кўпрок овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

**9.1.8.** жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиклаш, жамиятни кайта ташкил этиш, жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиклаш, эълон килинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш, жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар

15.07.16й

| | |
|---|---|
| тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;<br>Қонунда назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларининг эгалари бўлган акциядорларнинг **тўртдан уч қисмидан** иборат кўпчилик **(малакали кўпчилик)** овози билан қабул қилинади.<br><br>15.07.16й | юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш, йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг якдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилгандаги масала ва баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларининг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.<br>Бошқа масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. |
| **Киритилсин.** | 9.1.23. Соликка оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав фондидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. |
| **Жамият Уставининг «КУЗАТУВ КЕНГАШИ» 9.2. бўлими** | |
| 9.2.5. Жамият Кузатув кенгашининг **ваколат** доирасига қуйидагилар киради:<br>**Жамият** фаолиятининг устувор **йўнали**шларини белгилаш;<br>**Жамият**нинг Устав фондини **акция**ларининг номинал қийматини ошириш **йўли** билан кўпайтириш;<br>**Жамият**нинг Устав фондини эълон **қилинган** акцияларининг сони ва **турлари** | 9.2.5. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:<br>Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда **эшитиб** борган ҳолда жамият **фаолиятининг** устувор йўналишларини **белгилаш;** |

доирасида қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;

акцияларни жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш.

Жамият Уставига Жамиятнинг Устав фондини акцияларининг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

акциялар чиқариш тўғрисида қарорни тасдиқлаш;

корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ва тасдиқлаш;

эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига (қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага) ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қонунчиликда белгиланган ҳолда қимматли қоғозлар жойлаштирилиши ва муомаласини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида қарор қабул қилиш;

корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Қонун 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда аффилланган шахслар иштирокида битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

15.07.16

шакллантириш санасини белгилаш;

Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш, Жамият Уставига Жамиятнинг Устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

Жамият Директорин сайлаш, унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Жамиятнинг Директорига тўланадиган хақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорини белгилаш;

Директори билан тузилган шартномаларни амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

ички аудит Хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган хақнинг энг кўп миқдорини белгилаш хақида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган хақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

Жамиятнинг Захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ва қимматли қоғозлар чиқарилуви эмиссия рисоласини тасдиқлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Жамият ижроия органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, конда танлов тарикасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

ижроия органига тўланадиган хақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

Жамият Кузатув кенгаши ваколат доирасига қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

15.07.16

<table>
<tr>
<td>жамиятларини ташкил этиш;<br>Қонуннинг 8 ва 9-бобларида ва назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;<br>Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;<br>Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига Қонун ва мазкур Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.<br>Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг Директорига ўтказилиши мумкин эмас.</td>
<td>15.07.16</td>
</tr>
<tr>
<td colspan="2">Жамият Уставининг "ДИРЕКТОР"<br>9.3. бўлими</td>
</tr>
<tr>
<td>9.3.3. Жамият Директор Кузатув кенгаши томонидан сайланади ва бир йил муддатга шартнома тузади. Жамият ижроия органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.<br>Жамият Директори ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида, мазкур Уставда ҳамда унинг Жамият билан тузадиган шартномада белгиланади.<br>Шартнома жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг Раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг Директорни билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак. Жамиятнинг Директорига тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг Директори билан тузилган шартномани, агар у шартнома шартларини бузган тақдирда, Жамият Уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар</td>
<td>9.3.3. Жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият директорини ёки бошқарув аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.<br>Жамият Директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча мазкур устав, у билан тузиладиган шартнома ва қонун ҳужжатлари билан белгиланади.<br>Шартнома жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг Раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг директори билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак. Жамиятнинг Директорига тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг Директори билан тузилган шартномани, агар у шартнома шартларини бузган тақдирда, Жамият Уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)</td>
</tr>
</table>

| | |
|---|---|
| етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор килиш) хукукига эга.<br>Кузатув кенгаши томонидан Жамият Директорини шартнома амал килиш муддати узайтириш ёки уни бекор килиш мумкинлиги тўгрисида хар йили Кузатув кенгаши томонидан карор кабул килинади. | туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор килиш) хукукига эга. |

15.07.16й